

Наманган «Ocean»идан океан ортигача шарафли йўл

Касаба уюшма спортчиси
Илья Сибирцев Ўзбекистон
миллий рекордини янгилади

Америка Қўшма Штатларининг Техас штатида «Toyota U.S. Open Championships» мусобақасининг илк кунини Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Наманган шаҳридаги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига қарашли «Ocean» сув спорти саройи вакили Илья Сибирцев 1500 метрга эркин сузиш бўйича 15:05.51 натижа қайд этиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Ушбу натижа билан у ўзининг олдинги кўрсаткичини яхшилади ва Ўзбекистон миллий рекордини янгилади. Аввалги рекорд 15:15.15 бўлиб, Ислон бирдамлиги ўйинларида айнан у томонидан ўрнатилган эди.

Океан ортида ўтказилаётган беллашувларда ҳамюртимиз 800 метрга эркин усулда сузиш баҳсида кумуш медални ҳам қўлга киритди.

Илья мусобақани 7:51.85 натижа билан якунлаб, халқаро майдонда

яна бир бор Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Бундан аввал у Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган VI Ислон бирдамлиги ўйинларида 1 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медали соҳиби бўлганди.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Ифтихор



Касаба уюшмаси аралашгач...

Зарар пули ундириб берилди

Юсупбой Қўчқоров 2007 йилда «Шовот пахта тозалаш» АЖга агроном сифатида ишга қабул қилинган. Иш берувчининг 2008 йил 4 мартдаги буйруғига асосан, у «Бўстон – Агроном» ММТП худудига уруғлик чигит экниш ва парвариш-лаш ишларини амалга ошириш учун юборилган.

Бироқ тақдир синови қаттиқ келди: хизмат бурчини бажариш чоғида заҳарланиш оқибатида Юсупбой ака касб касаллигига чалинди. Оқибатда йиллар давомида унинг меҳнат қобилияти пасайиб борди. ТМЭКнинг 2010, 2017 ва 2023 йиллардаги хулосалари унинг аҳволи ёмонлашиб, 70 фоизгача меҳнат қобилиятини йўқотганини тасдиқлади.

Касб касаллиги оқибатида етказилган зарар учун Юсупбой Қўчқоровга ойлик компенсация тўловлари аввал «Шовот пахта тозалаш» АЖ томонидан тўлаб келинган. Корхона фаолияти тугатилгандан кейин ушбу тўловлар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Шовот тумани бўлими зиммасига ўтган.

Бироқ у тўловлар миқдори камайтириб ҳисобланаётганидан норози бўлиб, касаба уюшмаларига мурожаат қилди. Аниқланишича, 70 фоиз меҳнат қобилиятини йўқотгани инобатга олинган ҳолда, 2024 йил 1 сентябрдан ойига 1 129 301 сўм миқдоридан тоvon пули тўланиши зарур бўлган. Амалда эса унга 514 724 сўм тўлаб келинган.

Жорий меъёрларга зид ҳолда кам тўлов амалга оширилгани кўрсатиб, Бюджет-

дан ташқари пенсия жамғармасининг Шовот тумани бўлимига тақдимнома киритилди, бироқ масъуллар уни бажармади. Шундан сўнг судга мурожаат қилинди. Суд касаба уюшмасининг даъво талабларини қаноатлантирди.

Жавобгар томонидан Юсупбой Қўчқоров фойдасига 2024 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 июлгача бўлган даврда кам тўланган 6 миллион 145 минг 762 сўм тўлиқ ундириб берилди. Шу билан бирга, 2025 йил 1 июлдан бошлаб унга ҳар ойда 1 миллион 129 минг 301 сўм тоvon пули белгиланди. Бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ошган сари мутаносиб тарзда қўлайиб боради.

Эркинбой БАЙЖАНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Хоразм вилояти кенгашининг
меҳнат техник инспектори



Сўранг, жавоб берамиз...

Ишдан бўшатиш нафақасининг МИҚДОРИ ҚАНЧА?

САВОЛ: Икки йилу тўққиз ой-дан буён бир корхонада ишлаб келяпман. Соҳадаги умумий стажим 23 йил. Аммо штатлар қисқариши сабабли менга огоҳлантирув хати беришди ва ишдан бўшатиш нафақаси тўланишини айтишди. Қонун бўйича нафақа қанча миқдорда тўланади, уни ошириш имконияти борми?

Қодир ИЛЁСОВ
Навоий вилояти

ЖАВОБ: Ишдан бўшатиш нафақаси ходим билан меҳнат шартномаси алоҳида асосларга қўра, бекор қилинганда ишдан маҳрум бўлиш оқибатларини юмшатиш мақсадида амалга оширилаётган, қонунчиликда, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган бирийўла бериладиган тўловдир.

Агар меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан, шу жумладан, штатлар қисқариши туфайли бекор қилинса, ходимга ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Унинг миқдори ходимнинг шу жойдаги стажига боғлиқ. Масалан, у уч йиллик стажга эга бўлса, ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизи, уч йилдан беш йилгача иш стажига эга бўлса, ўртача ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизи, беш йилдан ўн йилгача иш стажига эга бўлса, ўртача ойлик иш ҳақининг юз фоизи, ўн йилдан ўн беш йилгача иш стажига эга бўлса, ўртача ойлик

иш ҳақининг бир юз эллик фоизи, ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлса, ўртача ойлик иш ҳақининг икки юз фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Шу билан бирга, жамоа келишувларида, жамоа шартномасида, бошқа ички ҳужжатларда ёки меҳнат шартномасида ходимларга иш берувчининг маблағлари ҳисобидан ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш чоғида қўшимча кафолатлар белгиланган бўлса, нафақа миқдори оширилиши мумкин.

Демак, корхонагизнинг жамоа шартномасида, бошқа ички ҳужжатларида ёки сиз билан тузилган меҳнат шартномасида ишдан бўшатиш нафақаси тармоқда ишланган иш стажига эътиборга олинган ҳолда тўланиши қўзда тутилган бўлса, сиз бу нафақани қонунда белгиланганидан оширилган миқдорда олишга ҳақли-сиз.

Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими

Бугунги сонда ўқинг...



МИЛЛИЙ КОНТЕНТ –
МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТ АСОСИ

3



КАМТАРЛИК
ҚАСИДАСИНИ
БИТАЁТТАН
САНЪАТКОР

4

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

Биз, Марказий Осиё халқлари азалдан бир илдиздан қувват олиб келамиз. Президентимизнинг «Марказий Осиё янги давр остонасида» мақоласини қай-та-қайта ўқирканман, анча олдин рўй берган воқеа ёдимга тушди.

Бир куни жамоамиз ходимларидан бири ишхонага қувониб кириб келди. Сабабини сўрагандик, кўзларидан қувонч ёши оқиб: «Чегаралар очилиб, узоқ йиллардан буён дийдорига зор бўлган қариндошлар, яқинлар билан кўришдик. Бунинг учун Президентимизни бир умр дуо қиламан», деди. Унинг қариндошлари қўшни Тожикистонда яшашарди. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан чегаралар очилгач, ҳамкасбимиз сингари қўлаб инсонлар яқинлари билан борди-келди қилишмоқда.

Айни вақтда икки давлат ўртасида транспорт қатнови йўлга қўйилган. Барча қўшни давлатлар билан чегара масалалари ижобий ҳал этилди. Бугун Марказий Осиёни ўзаро ҳамжиҳатлик, биродарлик бирлаштирди.

Зотан, Президентимиз ўз мақоласида таъкидлаганидек, «Минтақамизда кечаётган жараёнлар – бу онгли ва ортга қайтмас танлов. Ушбу йўл биздан нафақат биргаликдаги саъй-ҳаракатларни, балки умумий келажакимиз учун масъулиятни ўз зиммамизга олишга тайёр бўлишимизни ҳам талаб қилади».

Мухтасар айтганда, Марказий Осиёни минтақамизда яшаётган барча миллат ва халқлар учун ягона тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт маконига айлантириш йўлида муштарак мақсадлар билан дадил қадам ташланди. Минтақа тарихида янги саҳифа очилди. Бу Марказий Осиё тараққиёти янада юксалишига хизмат қилади.

Рустамбек ТУРСУНМУРОДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Сирдарё вилояти
кенгаши раиси



МИНТАҚАВИЙ БАРҚАРОРЛИК АКС ЭТГАН ТАҲЛИЛ

Шавкат Мирзиёевнинг «Марказий Осиё янги давр остонасида» сарлавҳали мақоласи минтақада кечаётган сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ўзгаришларнинг янги босқичини белгилаб берди. Унда илгари сурилган ғоя ва ташаббусларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши маърифий тадбир ўтказди. Йиғилишда касаба уюшмалари тизими ходимлари, фаоллар, шунингдек, Қорақалпоқ давлат университетининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Дастлаб мақолада акс этган минтақадаги ҳамкорликнинг янги стратегик йўналишлари, ўзаро ишонч ва дўстликка асосланган сиёсатнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси Улуғбек Жалмиев мақолада Марказий Осиё давлатлари томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, интеграция жараёнлари ва минтақавий барқарорликка қаратилган ишлар атрофида ёритилганини таъ-

кидлади. Фалсафа фанлари доктори Арслан Оразбаев экологик йўналишдаги фикрлар, иқлим ўзгаришига мослашиш, сув ресурсларини самарали бошқариш, биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш ҳамда «яшил энергетика»га ўтиш масалаларини таҳлил этди. Юридик фанлари номзоди, доцент Хожабой Кабулов эса Марказий Осиёда шаклланиб бораётган янги ҳамкорлик модели узоқ муддатли ва барқарор жараён эканига ургу берди.

Бир сўз билан айтганда, мақоланинг асосий ғоялари, унинг

минтақа тараққиёти ва халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашдаги аҳамияти батафсил очиб берилди. Шу билан бирга, мамлакатимиз мустақиллиги ва фуқаролар фаровонлиги учун мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқ ҳокимияти, инсон қадр, эркинлик ва тенглик каби асосий тамойилларнинг ҳаётиимиздаги ўрнига оид маълумотлар тақдим этилди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Сарҳисоб

ХОДИМЛАР МАНФААТИ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

120 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан бир йўла моддий ёрдам берилди, совғалар улашилди. 242 нафар ишламайдиган пенсионер, 150 нафар ногиронлиги бўлган шахс ва ўзгалар парваришига муҳтож кишилар байрамлар арафасида моддий қўллаб-қувватланди. Кам таъминланган оилаларнинг 2212 нафар вакилига, икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 220 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди.

Кенгаш тасарруфидagi ташкилот ва муассасаларда «Спорт – нафислик ва саломатлик манбаи» шиори остида 5000 кадам юриш, арқон тортиш, стол тенниси, волейбол, шахмат, шашка турлари бўйича мусобақа ташкил этилди.

Соҳа ходимлари ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирлари доирасида вилоят кенгаши ташкилотлар ҳамкорлигида «Ҳамшира – 2025» кўрик-танлови ўтказди. Биргина «Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими» танловида 14 та номинация бўйича 100 нафардан ортиқ ҳамшира иштирок этиб, голиблар республика босқичида ҳам фахрли ўринларни қўлга киритишди. Қувончлиси, Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик байрамига бағишлаб спортнинг шахмат тури бўйича ўтказилган «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кубоги» мусобақасининг республика босқичида воҳамиз шарафини ҳимоя қилган Тошкент тиббиёт университети ва Термиз филиали ходими Гулшод Турдиқулова фахрли

2-ўринни қўлга киритди.

Ўтган даврда жисмоний ва юридик шахслардан келган 14826 та мурожаат ўрганиб чиқилди. Асосли деб топишганлари ижобий ҳал этилди. Жумладан, Сарисий тумани тиббиёт бирлашмаси физиотерапия бўлими ҳамшираси Сарвиноз Саидованинг 1 млн. 362 минг сўм хизмат сафари харажати, Денов тумани марказий поликлиникаси юқумли касалликлар шифокори Д.Қутлиевага зарарли шaroитда ишлаганлиги учун 12,3 млн. сўмдан зиёд устама ҳақи, Денов ТТБ болалар жарроҳлик бўлими тозаликбони С.Ҳалимованинг мурожаатига асосан 9,7 млн. сўмдан ортиқ ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ундириб берилишига эришилди.

Ватанмиз мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали оила фарзандларидан 272 нафарига ўқув қуроллари жамланмаси тақдим этилди.

Айтиш лозимки, келгусида фаолиятимизни бундан-да масъулият билан давом эттираемиз. Ишчи-ходимлар манфаати ҳамиша эътиборимиз марказида бўлади.

Муяссар ҚОДИРОВА,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба
уюшмасининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят
Кенгаши депутати

Ғар йўқтур адаб, не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин.

Алишер Навоий

Муносабат

1211 эшитади

«АЁЛ КУЛИБ ЙИҒЛАШИ МУМКИН...»

Аёл кулиб, жилмайиб юргани билан дардини ичига ютиб яшайди. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилаётганлар орасида муаммоси қисқа фурсатларда ҳал этилганидан мамнун бўлаётганлар кўп...

Кўшработлик А.Г. билан узоқ гаплашдик. Биринчи турмуши ўхшамагани туфайли бир нафар фарзанди билан ёлғиз қолган. Собиқ турмуш ўртоғи суд қарори билан белгиланган алиментни саккиз йилдан бери тўламай келаётган экан.

– Касаба уюшмаларига қилган мурожаатимдан сўнг, МИБ вакиллари ишга жиддий киришди. Собиқ хўжайинимдан фарзандим учун салкам қирқ миллион сўм миқдоридаги алиментни ундириш чоралари кўрилди, – дейди у. – Аммо ундирувга қаратиш учун на бир мол-мулк, на бошқа тайинли даромад чиқди. Ҳаётимга яхши бир инсон кириб келди, турмушим изига тушди. У фарзандимга меҳрибон ота бўлди. Жамоат ташкилотини назоратида турган мурожаатим боис собиқ турмуш ўртоғимга қонуний талаблар қўйилди. Унга раҳим келди...

Тантиликни қарангки, аёл собиқ турмуш ўртоғига битта шарт қўяди: «Оталикни эпломангиз. Ёлғиз фарзандимиз тақдири, келажаги учун қайғурадиган инсон топилди. Энди ўзингиз ҳам, пулингиз ҳам бизга керакмас. Оталик мақомидан воз кечсангиз, бас!»

Бу тақифни касаба уюшмалари аралашуви билан собиқ эр ҳеч иккиланмасдан қабул қилади.

Тўрт нафар фарзанди билан ота уйига қайтган Дилшодага осон бўлмаган. У айни еб-ичадиган ёшдаги болалари тақдирини ўйлаб, кечалари кўзига

«МУРОЖААТ ОРТИДАН МУШКУЛИМ АРИДИ»

Фаргона вилояти Учкўприк туманида яшовчи Давлатхон Эргашева йиллар давомида йўқчиликка ашади. Унинг бошидан қанча синовлар ўтмади, дейсиз. Топгани ҳам рўзгоридан ортмади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги сабаб «Аёллар дафтери»га киритилди. Доимий даромадга эга бўлиши учун тикув машинани, томорқасига иссиқхона қуриб берилди. Қийналган чоғида моддий кўмак кўрсатилди.

Унинг уй-жой таъмири учун кўмак сўраб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар муаммолари бўйича ташкил этилган 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қилган мурожаати ерда қолмади. Масъул ходимлар хонадонига келишди. Ижтимоий ҳо-

лати, шарт-шароитини ўрганишди.

Кўп ўтмай хонадониди таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Хайрли ишга бош қўшаман, деганлар ҳам кўпайди. Ҳамжиҳатликда қилинган иш қаҳрамонимизнинг мушқулини аритди.

– Мен каби аёлларга беоминнат кўмак бераётган Юртбошимизга раҳмат! Биргина мурожаатим орқали узоқ йиллик ташвишдан халос бўлдим, – дейди Давлатхон Эргашева.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Бандлик

саласида ҳам касаба уюшмалари фаолияти алоҳида эътиборга молик. «Аёллар дафтери» тизими доирасида вилоятимизда 270 минг 774 нафар хотин-қизнинг муаммолари ҳал этилди ва 588 млрд. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Бу нафақат аёллар, балки оиланинг ижтимоий фаровонлигини мустаҳкамлайди.

Камбағалликни қисқартириш фақат иқтисодий жараён эмас, балки катта ижтимоий масъулият, аҳолининг эҳтиёж ва муаммоларини чуқур англашни талаб қилади. Касаба уюшмалари бу вазифада давлатнинг ишончли ҳамкори сифатида жамиятда адолатни, барқарор бандлик ва муносиб турмуш даражасини таъминлашга улкан ҳисса қўшмоқда.

Эришилаётган натижалар бирлашган жамият, самарали давлат сиёсати ва фидойи меҳнаткашлар ҳаракатининг амалий мевасидир.

Лола ЖўРАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Бухоро вилояти
кенгаши бўлим мудури

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИНГ АМАЛИЙ МЕВАСИ

Камбағалликни қисқартириш ҳар бир давлат учун стратегик устувор вазифага айланиб бормоқда. Чунки бундай ижтимоий ҳолатдан қутилган ҳар бир оила барқарор даромадга эга бўлади, фарзандларига муносиб таълим ва турмуш шароити ярата олади. Жамиятда эҳтиёжманд кишилар камайгани сайин иқтисодий фаоллик ортиб, ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланади.

Инсон қадри, унинг муносиб ҳаётини таъминлаш бугунги кунда тараққиётнинг энг асосий мезонларидан бирига айланди. Бу жараёнда, давлат тизими билан бир қаторда касаба уюшмалари ҳам жамиятда адолатни таъминлаш, меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва аҳоли бандлигини оширишда муҳим ўрин тутта бошлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури доирасида сезиларли натижаларга эришмоқда. Масалан, йил бошида вилоятда 41,3 минг камбағал оила рўйхатда бўлган бўлса, 9 ой давомида бу кўрсаткич 4,9 фоизга тушди. 24,7 минг оила барқарор

бандликка эга бўлди, 20,93 минг фуқаро доимий ишга жойлаштирилди, бу эса ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланаётганидан дарак беради.

Президент Шавкат Мирзиёев касаба уюшмалари фаоллари билан ўтказган учрашувда ҳам ташкилотимизнинг аҳолини қўллаб-қувватлаш, айниқса, камбағалликни қисқартириш, ёшлар, кексалар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини алоҳида таъкидлади. Бугунги кунда вилоятимизда 442 минг нафардан ортиқ ходим касаба уюшмалари сафида экани ҳам бу ташкилотга бўлган ишонч юксаклигидан далолатдир.



Тилингдан олдин қалбингни тарбия қил.
Чунки сўз қалбдан келиб, тилдан чиқади.

Жалолиддин Румий



Нуқтаи назар

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ – МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТ АСОСИ

Ёшлигимда бир манбада ўқиган эдим: буюк шоир Алишер Навоийнинг китоб–га муҳаббати гўдаклик даврида, илк кўрган китоб муқовасидаги тасвир орқали уйғонган экан. Муқовада акс этган «Нарвондаги одамлар» манза–раси – оддий иллюстрация эмас, балки ёш Алишернинг эстетик дунёқараши ва тафаккури шаклланишидаги дастлабки илҳом манбаи бўлган. Ўша ҳолат бизга бир муҳим ҳақиқатни англатади: одам–нинг маънавий ва ақлий ривожланиши кўпинча кўз билан кўриб, қалб билан ҳис қилган илк таассуротлардан бошла–нади.

Замонавий психология ва педагогика тадқиқотлари инсон ўз ҳаётидаги ах–борот ва билимларнинг тахминан 70 фоизини беш ёшгача бўлган даврда ўз–лаштиришини тасдиқлайди. Бу босқич ил–мий адабиётларда рангинг ёшлик даври ёки бошланғич когнитив ривожланиш фазаси сифатида тавсифланади. Шу вақтда бола атроф–муҳитни кўпроқ эмоционал сигналлар орқали қабул қилади ва бу унинг ички маънавий дунёси ҳамда тафаккури учун пойдевор вазифасини ўтайди. Шу сабабли болага тақдим этила–диган ҳар бир образ, ҳар бир сўз, ҳатто овоз тембри ҳам унинг ички маънавий пойде–ворини қуради, дунёқарашини шакллан–тиради.

ИЛК ИЖОДИЙ ТАФАККУР – БУЮК КЕЛАЖАККА ЙЎЛЛАНМА

Инсоннинг илк тасаввурлари гўдак–лигидан шаклланади ва бу шун–чаки хотира эмас, балки умр йўл–ларидаги шуълага айланади. Бу кичик шуъла эса, вақт ўтиши билан янада пор–лаб, инсон руҳини нурга тўлдиради. Ана шундай илҳом ва руҳий таъсир–нинг ёрқин намунаси Алишер Навоий–нинг китоб муқовасидаги оддий расмдан илҳом олиб, умрини маърифат ва ижодга бағишлаганидир. Шунингдек, жаҳон ада–биётида ўз ўрнини топган ёзувчилар, фан кашфиётчилари ва илмий тараққиёт асосчилари учун ҳам болаликда кўрилган бир манзара, эшитилган бир ҳикоя улар–

нинг буюк келажагига йўлланма бўлган. Бироқ бугунги кунда манзара ўзгарган. Аввалгидай китоб, журнал, эртак ва ба–дийий расмлар болаларнинг асосий «илҳом манбаи» эмас. Олдинги авлодлар эртақ–лар орқали яхшилик билан ёмонлиқни ажратишни, адолат ва меҳр–оқибатни ан–лашни ўрганган бўлса, ҳозирги болалар–нинг илк таассуротлари кўпинча теле–фон экранларидан, тез алмашувчи видео–лар ва виртуал образлардан шаклланияпти. Энг хавфлиси, экранда кўрилган ҳар бир сунъий образ бола учун ҳақиқат сифатида қабул қилинади ва у беҳаёлик, зўравонлик ёки нотўғри қийматлар билан «қуршал–ган» медиа муҳитда ўсса, ички маънавий мезони ҳам шунга қараб шаклланади. Шу–нинг учун экран бола учун илҳом ва маъри–фат нарвони бўла оладими ёки маънавий бўшлиқ сари етаклайдиган чуқур жарми, бу, аввало, ёшнинг танловимизда. Чунки телефон жонсиз бир техника, унга жон бағишлайдиган, руҳ ва мазмун қўшадиган ўзимиз.

Шундай экан, биз миллий руҳ, эзгу ғоя ва чуқур маънолар билан тўлдирилган, соф маърифат ва теран фикрга хизмат қилади–ган медиа муҳит яратмасак, болаларимиз маъно ва мақсаддан узоқ, ташқи кўриниши ёрқин, аммо ички дунёси бўш – «виртуал манеж» қуршовида улғайиши мумкин.

ВИРТУАЛ СОЯДА СЎНАЁТГАН МЕҲР

Маълумки, инсон қалби ва онгидаги энг соф, энг покиза туйғулар, ҳаё–тий тушунча ва тасаввурлар, ав–вало, оилада шаклланади. Боланинг маъ–навий қиёфаси, ахлоқий мезонлари ва ду–нёқарашида оила муҳити энг биринчи устоз вазифасини ўтайди. «Қуш уясида кўр–ганини қилади», деб бежиз айтишмаган. Афсуски, бугунги оилаларда телефон–даги виртуал мулоқот ва тасвирлар намо–

йиши биринчи ўринга чиқиб, ҳақиқий му–лоқотлар камайиб бормоқда. Бугун смартфон ва бошқа гаджетлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Уларсиз ўшай олмайдиган дара–жага келиб қолдик.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда мо–бил алоқа билан таъминланган абонент–лар сони қарийб 36,3 миллион нафарни ташкил этади. Бу катталарнинг ҳар би–рида, ўсмирларнинг аксариятида смарт–фон бор, ҳатто айрим оилаларда бир ки–шига иккитадан қурилма тўғри келади дегани. Тўғри, техникага бўлган ҳавас табиий жараён бўлиши мумкин, аммо у ижтимоий, маънавий ва иқтисодий ҳа–ётда туб ўзгаришларга олиб келаётган кучли тенденциядир.

Телефон нейтрал восита, лекин ун–даги кўнгилочар манбалар, ижтимоий тармоқлар ва мобил иловалар инсоният муносабатларининг табиий оқимини ўз–гартирмоқда. Илгари яқинлик юзма–юз мулоқотда, бир дастурхон атрофидаги са–мимий суҳбатда, кўз кўзга тушганидаги меҳрда акс этарди. Энди эса ўша яқинлик телефон экранида алмашинаётган хабар–лар ва виртуал дўстлар суҳбати соясида сў–ни бораётгандек...

Ер қуррасининг қарийб 70 фоиз аҳолиси ижтимоий тармоқларда фаол эканлигини инобатга олсак, у энди «бир қараб қўйиш» ёки «бўш вақт ўтказиш» платформаси эмас, балки шахсий муносабатлар, иш жа–раёnlари, савдо–сотик, ҳатто сиёсий жа–раёnlарга таъсир кўрсата оладиган кучли оммавий муҳитга айланганини тушуниб етамиз.

Бугун ёшларнинг аксарияти «виртуал олам»нинг беқиёс лабиринтларида кезиб, у ердан «янги» ахборотлар олмоқда. Шу билан бирга, вақтини мияни қалғитувчи, маънавий ва амалий фойдаси йўқ кон–тентларни кўришга сарфлашмоқда. Бун–

дай «ақлий хомашё»лар вақт ўтиши би–лан фикрлаш қобилиятини пасайтиради, мақсадлардан қалғитади. Бундан–да хавф–лиси тармоқларда «лайкомания» авж олди, яъни одамлар, айниқса, ёшлар, воқеа–ҳоди–санинг моҳиятини эмас, балки қанча лайк олишини ўйлайдиган бўлиб бормоқда. Шу йўлда улар мантикий фикр ва маъна–вий мезонларни қурбон қилиб, хавфли, ахлоққа зид, ҳатто ҳаёт учун хатарли ҳа–ракатларга қўл ураётир. Виртуал олам–нинг бу тарздаги «юлдузлик қиймати» эса, ҳақиқий ҳаётдаги кадриятларни секин–аста емириб, жамиятда маънавий бўшлиқ яратмоқда.

– Бугунги жадал суръатда ўзгараётган глобал майдонда ахборот оқими сувдай тўлқинланиб, ҳеч қандай сарҳад ёки тў–сиқни тан олмаяпти, – дейди психолог Юлдуз Умарова. – Интернет, ижтимоий тармоқлар ва турли медиа майдонлар орқали турфа ғоялар, маданиятлар, ҳа–ётий қарашлар ҳар куни жамият онгига чуқур кириб боряпти. Жараённинг энг таъсирга мойил қатлами ёшлардир. Улар учун виртуал муҳит энди фақатгина маъ–лумот манбаи эмас, балки руҳий қиё–фани, ахлоқий меъёрни, маданий дидни шакллантирувчи кучли омилга айланди. Шу боис миллий контентлар яратиш зару–рати бугун фақат маданий вазифа эмас, аксинча, миллий маънавиятни муҳофаза қилиш, келажақ авлоднинг ички дунёси ва ҳаётий йўналишини белгилашда ҳал қилувчи стратегик заруратдир. Миллий руҳдаги платформалар, кўрсатувлар, қў–шиқ, бадийий фильм, барчаси ёшларни ғоявий, маънавий ва ахлоқий ҳимоя қи–ладиган, келажақ пойдеворини қуришга хизмат қиладиган энг самарали восита. Бинобарин, миллий контентни кўпайти–риш ва унинг таъсир кучини ошириш ҳар биримизнинг олдимизда турган умум–миллий ҳаракатдир.

Шарҳ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги қўлланилаётган амалиётларнинг муҳим тар–кибий қисми оилавий шажаралар бўйича маълумотларни онлайн тарзда тақдим этиш имкониятини берувчи «Шажара» ахборот ти–зимини жорий этиш тўғрисидаги таклиф–нинг маъқулланиши бўлди. Бу тизим фука–роларга генеалогик тарихларини аниқ ва илмий асосда ўрганиш имконини беради. Шунингдек, ушбу тизим жамиятда тарихий хотирани тиклаш, этнология ва демогра–фия каби фанлар учун янги маълумотлар ба–засини яратиш имконини беради. Юқорида қайд этилган фармон билан шажарага оид маълумотларнинг сақланиши, махфийлиги ҳамда ҳимоя қилинишини таъминлаш белги–лаб қўйилди. Бу эса, инсон ҳуқуқларини ҳи–моя қилиш учун муҳим жиҳатдир.

Фармонга асосан давлат бошқаруви учун яратилаётган имкониятлар ҳам беқийсдир. Архивларнинг рақамли тизимга ўтиши дав–лат идоралари ўртасида маълумот алмаши–нувининг тезлашуви, қарор қабул қилишда ишончли маълумотларга таяниш, корруп–циявий хавфларнинг пасайиши ва давлат хизматларининг стандартлашувига олиб келади. Рақамли тизимда ҳар бир муրожат изчил қайд этилади. Бу эса, шаффоликни ошириб, коррупция учун имкониятларни деярли нолга туширади. Бу норматив хуж–жат бюрократия элементлари камайишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Архив соҳасидаги ислохотлар ходимлар учун ҳам қатар қўлайликлар яратади. Рақам–лаштириш, сунъий интеллект ва RFID тизи–мининг жорий этилиши архивчилар меҳна–тини сезиларли равишда енгиллаштиради. Авваллари оғир жисмоний меҳнат ва қўлда бажариладиган жараёнлар анча вақтни ол–ган бўлса, эндиликда замонавий технология–лар ёрдамида архивчилар кўпроқ илмий, таҳ–лилий ва методик ишларга эътибор қаратиш–лари мумкин. Замонавий ускуналар, қўлай иш жойлари ва хавфсиз меҳнат шaroитлари архивчилик касбининг нуфузини оширади.

Фармонда белгиланган масъулиятли ва–зифалар архив ходимларини замон билан ҳамнафас бўлишга, илгор технологик жа–раёнларни фаолиятга кенг жорий этишга ва халққа сидқидилдан хизмат қилишга ун–дайди.

Сайёра МУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон илмий–техника ва тиббиёт хужжатлари миллий архиви бўлим мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,
Маржона МУСИРМАНОВА,
Ўзбекистон илмий–техника ва тиббиёт хужжатлари миллий архиви катта илмий ходими

Қилмиш – қидирмиш


Инсон учун энг катта бойлик сиҳат–саломатлиқдир. Аммо буни ҳамма ҳам англаб ета–вермайди. Наманганлик Элшод ана шундайлар тоифасидан. Гап шундаки, у ижтимоий тар–моқларга жойланган донор–ликка оид видеолавҳаларни кўриб, фикри бузилди ва шу йўл билан пул топмоқчи бўлди.

Бир куни интернетда Ма–дина исмли аёл билан танишди. Бироз фу–рсат ўтгач, аёл топган жиззах–лик беморга бўйрагининг бир қисмини 7 минг 500 АҚШ долларига сотишга келишди. Трансплантацияни Ҳинди–стонда ўтказадиган бўлишди. Маълум вақтдан сўнг ми–жозлар Элшодга «Тошкент – Деҳли» йўналиши бўйича чипта сотиб олиб беришди. Лекин унинг режаси амалга ошмай қолди. Тезкор ходим–лар вазиятдан хабар топишди ва унинг ноқонуний хатти–ха–ракатларига чек қўйишди. Шунингдек, қўшимча тезкор қидирув тадбирлари натижа–сида инсон органларининг ноқонуний савдоси билан шугулланиб келган уюшган жинойи гуруҳнинг барча иштироқчилари аниқланиб, уларга нисбатан Жиноят ко–дексининг 133–моддаси билан иш қўзғатилди.

Айни пайтда ҳолат юзаси–дан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Умирбек ЯКУБОВ,
Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳри аэропортларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили, подполковник

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходим–лари касабга уюшмаси Қорақалпоғистон биришган касабга уюшма қўмитаси жа–моаси касабга уюшмалари фахрийси
Рустем Даулетбаевич ДАУЛЕТМУРАТОВ
вафот этгани муносабати билан марҳум–нинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Президентимизнинг 2025 йил 24 ноябрдаги «Архив соҳасини рақамлаштириш ва соҳада бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги фармони архив тизимини янги замонавий босқичга олиб чиқиш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратди.

Ушбу хужжатга асосан, 2026 йил 1 июл–дан бошлаб архив хизматларини рақам–лаштиришда амалдаги архив ахборот тизимлари негизида Ягона миллий архив ах–борот тизими жорий этилиши белгиланди. Бунинг афзаллиги шундаки, электрон ҳуж–жатлар вақт ўтиши билан эскирмайди, йўқолмайди ва қайта–қайта кўрилса–да, улар–нинг ҳолатига зарар етмайди. Архив фонд–лари электрон муҳитга ўтгач, уларнинг бир неча нусхада серверларда сақланиши хавф–сизлик даражасини оширади. Фармонда 2030 йилгача архив хужжатларининг 60 фоизини рақамлаштириш белгиланган. Бу жараён 3 босқичда амалга оширилади.
I. 2025–2027 йилларда архивлардаги алоҳида қимматли ва ноёб хужжатлар, мол–мулк ва ерга оид архив хужжатлари тўлиқ рақамлаштирилади;
II. 2028–2029 йилларда кино, фото ва ил–мий–техник архив хужжатлари рақам–лаштирилади;
III. 2030 йилдан Миллий архив фондида

сақланаётган бошқа хужжатлар рақам–лаштирилади. Шуни таъкидлаш жоизки, сунъий интел–лектнинг архивларда қўлланилиши иш си–фатини тубдан ўзгартиради. Масалан, арх–ив ходими сўралган қайсидир маълумотни топиш учун керак бўлса, бир неча кун вақт сарфлаши мумкин. Сунъий интеллект асо–сида қурилган қидирув тизими эса, минг–лаб хужжатлар орасидан сониялар ичида ке–ракли маълумотни топиб бера олади.
2026 йил 1 мартдан бошлаб архив хуж–жатлари ёки уларнинг қўчирма нусхала–рини Ўзбекистон Республикасидан ташқа–рига вақтинча олиб чиқиш учун рухсат–нома бериш муддати 15 иш кунидан 5 иш кунигача, ярокисиз ҳолатга келган ёки йўқо–тилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш муддати 20 иш кунидан 10 иш кунигача, олий ва ўрта–махсус таълим муас–сасида ўқиганликни тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумотномаси бериш муддати 5 иш кунидан 2 иш кунигача, архив хужжат–

лари, китоблар ва қўлёзмаларни рақам–лаштириш (электрон нусха олиш) каби хиз–матларни бажариш муддати 3 иш кунидан 1 иш кунигача қисқартирилади. Бу эса архив хизматлари кўрсатишда фуқароларга янги имкониятларни кенгайтиради.

Архив соҳасидаги яна бир янгилик – RFID (радиочастота идентификацияси) тизимини жорий этишдир. Бу – транспондерлар ёки RFID теглари деб аталадиган радио сигнал–лар ёрдамида маълумотлар ўқиладиган ёки ёзиладиган объектларни автоматик иденти–фикациялаш усули ҳисобланади. RFID техно–логияси ҳар бир хужжатга ўрнатилган махсус чиплардан иборат бўлиб, улар орқали хужжат–ларнинг ҳаракати реал вақт режимида куза–тилади. Бунда ҳар бир архив хужжатига иден–тификация рақами берилди ва улар Архив ахборот тизими билан интеграция қилинади. Мазкур технология архивларда хужжатлар–нинг йўқолиши, жойдан нотўғри олинishi ёки қўйилиши, бошқа бўлимларга тасоди–фий қўчиб қолиши ёки рухсатсиз фойдалани–лиши каби ҳолатларнинг олдини олади. Ҳар бир ҳаракат электрон тизимда қайд этилгани учун архивда хужжатларни сақлаш тартиби мустаҳкамланади, хужжатлар хавфсизлиги технологик жиҳатдан янги босқичга қўтари–лади.

Улуғ ҳодисалар ҳар вақт юз беравермайди.

Абу Райҳон Беруний

Сухбат



Камтарлик қасидасини битаётган САНЪАТКОР

Эссе

мактабда таълим олиб, машхур санъаткорга айланди. Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти унвонларига сазовор бўлди. Эсимда, 1989 йили Догистон Республикасига ижодий сафарга борганимиз. «Маҳачқалъа» меҳмон-хонасида ётсам, радиода концерт берилётган экан. Бир вақт Матлуба Дадабоева ижро этган «Қалам» қўшиғи янграб қолди. Ғанижон Тошматов мусиқа басталаган бу нолакор қўшиқни тинглаб, кўзларимга ёш келган. Матлуба ана шундай мухлисларни маҳлиё этиб, йиғлатадиган зўр хонандалардан бири...

**Муножот ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ артисти:**

– Мен машхур санъаткор, мақом ашулаларининг моҳир ижрочиси, икки халқнинг ардоқли хонандаси Матлуба Дадабоевага ҳамиша ҳавас қилганман... У жуда самимий, содда ва ўта камтар инсон. Катта-ю кичикка бирдай муомала қилади. Ясамалик йўқ. Саҳнага чиққанида ҳам қўшиқни таъзим билан бошлаб, таъзим билан якунлайди. Айниқса, хорижда бўладиган концертда у кишининг бу ўзбекона фазилатлари чет эллик мухлисларни ҳайратга солади. Мен опани юксак маданиятли санъаткор, деб биламан. Овози – илоҳий невмат. Авжларини шундай чироили, бекаму кўст оладики, унга ҳавас қиламиз.

**Таниқли мусиқашунос
Сойибжон БЕГМАТОВ** шундай эслайди:

– Катта байрам тадбирлари бош режиссёри, таниқли санъаткор Баҳодир Йўлдошев ҳар гал концерт дастурларини тайёрлаш жараёнида: «Шу жойга битта полвон етишмаяпти», дерди. Бу полвон – Матлуба Дадабоева эди. Баҳодир ака жуда топиб айтгандай мақом санъати ва мумтоз ашулаларимиз яшаб қолишида ана шундай полвон овозлар жуда зарур. Матлуба Дадабоева аллақачон устоз санъаткорга айланиб, полвонлар сафидан ўрин олди.

**Ўзбекистон халқ артисти
Абдуҳошим ИСМОИЛОВ**дан ибратли ибора:

– Матлубанинг ижроларидаги юксак авжларни тингалаганимда, устоз санъаткор Ҳожижон Ботаевнинг бир шоирдига айтган ибратли гапи ёдимга тушаверади. Уша шоирд унинг хузурига келиб, «Устоз бир нарсасага ҳайронман, қўшиқнинг авжини олсам, нуқул бошим оеришди», дебди. «Сенинг авжларингни тинглаган тинловчиларнинг ахволи нечук?», деб сўраган экан устоз. Бу гапни у киши ё ҳазил, ё чин маънода айтгандир. Лекин мен «Матлуба Дадабоева ижроларини тинглаганимда, унинг бетакрор авжларини тинглаётган мухлисларнинг ҳоли не кечдикини?» деб чин маънода кўп ўйлайман. Афсуски, Матлубага ўқшаб бундай жозибадор, авжлари юксак пардаларга кўтариладиган хонандалар саноқли. Овози ҳам, авжлари ҳам ҳамиша бардавом бўлсин...

Сухбатларимиз давомиди у яна бир воқеани эслади:

– 2017 йил 17 ноябрда Президентимизнинг «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганда жуда секинлик кетганимдан кўзларимга ёш қалқиди. Чунки бу ҳужжат жуда зарур эди. Мусиқа йўналиши Ғарб оҳангларига қараб йўргалаб кетаётган бир пайтда, бундай тарихий қарор бизга керак эди. Мақом бизнинг қадимги мусиқа санъатимиз, унда ажодларимизнинг қувончу шодликлари билан бирга, изтироб ва дардлари ҳам мужжасам.

Ўнда қилиб айтганда, мақом халқимиз суяниб турадиган маънавий тоғ. Мусиқа санъати шундан бошланади. Қисқа вақт ичиди, мамлакатимизда икки марта Шаҳрисабз ва Зоминда халқаро мақом анжуманилари юксак даражада ўтказилгани тарихий воқеага айланди. Бу жараён асло тўхтамаслиги керак. Ёшларимиз ҳам шу санъат руҳида тарбиялансалар, юксак ишоний фазилатлар соҳиби бўлишларига ишонаман. Бу йўлда биз, санъаткорлар ҳам фидойи бўлишимиз керак!..

Ўзининг муборак 70 баҳорини шукроналик билан нишонлаётган, икки халқнинг суюкли дилбанди – Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти профессори Матлуба Дадабоевнинг захматли ва ибратли умрини юксак олқишлар, бекиёс ҳайратларга тўла бетакрор ижод йўлларини сарҳисоб қилиб, бир улкан манзилга жамласак – бебаҳо камтарликка қасида бўлиб янтрайди. Бутун ўта ноёблашиб бораётган бу юксак инсоний фазилат ҳеч биримизни тарк этмасин. Биз ҳам камтарлик қасидасига жўр бўлиб, яшайлик!

Ашурали ЖЎРАЕВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



Эндрю Стэниленд: НАВОЙНИ АНГЛАШ МЕН УЧУН ШАРАФ

– Сизда Марказий Осиё, хусусан, ўзбек адабиётига қизиқиш қандай пайдо бўлган?

– Узоқ йиллардан бери шеърят шайдосиман. Асосан мумтоз услубда ижод қиламан ва бу йўналиш менга классик адабиётни таржима қилишда кўл келади.

Ўзбекистонга илк бор 2020 йилнинг февралда келганман. Ўшанда янги дунёни кашф қилдим. Сизнинг юртингизда Алишер Навоий номи билан жуда кўп тўқнашдим, аммо унинг асарларидан беҳабар эдим. Шу боис Навоий ижодини ҳис қилиш ва англаш учун унинг бир нечта асарини дўстлар билан ҳамкорликда таржима қилишга қарор қилдим.

Менимча, ўзбек шеърятини билиш ва ўрганишни Навоийдан бошлаш керак.

– Навоий, Чўлпон, Увайсий асарларидан қандай таассуротлар олдингиз?

– Уларнинг ҳар бири ўз оҳанги ва услуби билан менга янги олам эшигини очди. Нодира ва Увайсий асарларини таржима қилиш мен учун адабиётга янги овоз, янги оҳанг қўшишдек туюлди. Уларнинг шеърлари орқали мен ўша даврдаги Марказий Осиё аёлларининг ҳиссиётлари, фикрлари ва ички дунёси билан танишдим. Айниқса, Увайсий аёллар ҳақида жуда кучли ва самимий фикрлар айтган. Унинг «Анор» чистонини инглиз тилига ўғирдим, бу мен учун улкан тажриба бўлди.

Мен таржимадан катта завқ оламан. Яъни ўзга адабиётни билиш, уни ҳис этиш завқи умуман бошқача.

– Бутун кўпчилик сунъий интеллект ёрдамида таржима қилади. Буни қандай баҳолайсиз?

– Мен сунъий интеллектдан деярли фойдаланмайман. Лекин ҳозирги талабалар жуда кўп фойдаланишади. Қизиқиб кўрганман. Фикримча, сунъий интеллект фойдала восита, лекин уни асосий манба сифатида ишлатиш мумкин эмас. У хатолар қилади ва энг муҳими, бу хатоларни тан олмайди.

Агар сиз сунъий интеллектдан фойдаланаётганда бошқа ишончли манбаларга таянсангиз ва уни назорат остида ишласангиз, унда фойдаси катта бўлиши мумкин. Масалан, грамматик таҳрир, тузилиш ёки гоё учун ундан фойдаланса бўлади. Аммо инсоннинг хис-туйғусини ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди. Қисқаси, сунъий интеллект яхши ёрдамчи, лекин ишончли манба эмас.

– Ҳозирги даврдаги ўзбек шоирлари асарларини ҳам таржима қилиш ниятингиз борми?

– Йўқ, менинг йўналишим классик адабиёт. Замонавий шеърятни таржима қилиш менинг услубимга тўғри келмайди.

Мен ҳозир иккита йирик лойиха устида ишлаяпман. Биринчиси, Дилшод Барно ва Анбар Отиннинг асарларини инглиз тилига таржима қилиш. Улар ўз даврида етарлича танилмаган, аммо жуда кучли фикрлар айтишган. Менимча, инглиз китобхонлари уларнинг асарларини ўқиганда хайратда қолишади.

Иккинчи лойихам – «Қирқ қиз» (Қорақалпоқ халқ эпоси)ни инглиз тилида бадиий қайта яратиш. Бу жуда достоннинг шеърӣ шаклини сақлаган ҳолда, унинг руҳини инглиз тилида қайта тиклашга ҳаракат қиламан. Бу мен учун янги, лекин жуда илҳомлантирувчи тажриба бўлади. Аёл қаҳрамонлар ҳақидаги бундай эпосни таржима қилиш ижодкордан катта масъулият талаб қилади.

Бухоролик миниатюра рассоми Давлат Тошев билан «Бухоро эшиклари» лойихаси устида ишлаш ҳам режамда бор. Кўрамиз, ҳаммасини вақт кўрсатади...

– Таржималикка қизиққан ёшларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

– Таржиманинг «олтин қоидаси» шуки, фақат ўз она тилингизга таржима қилинг. Чунки сиз айнан шу тилда сўзингиз маъноси, ритми, оҳанги ва ҳиссиётни тўғри ифодалай оласиз.

Агар сиз ўзбек бўлиб, рус тилини ҳам она тили даражасида билсангиз, икки йўналишда ишлашингиз мумкин. Аммо ўзбек тилидан инглиз тилига, айниқса, классик шеърларни таржима қилиш жуда мураккаб жараён. Бу нафақат тил ва билимни, балки маданий ҳисни ҳам талаб қилади. Шунинг учун ёшлар энг аввало, ўз она тилини мукамал билишлари ва ҳис қилишлари керак.

Шунингдек, ёш таржимон ўзига маъқул бўлган шоирнинг асарларини таржима қилиб кўрсин. Агар шоир ҳаёт бўлса, у билан боғланиб, фикр алмашсин, таржимани биргаликда муҳокама қилсин.

– Самимий фикрларингиз учун раҳмат!

«ISHONCH» мухбири
Муҳаббат ТўРАБОВЕВА
суҳбатлашди

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

**Матлуба Дадабоева ижросида
«КЎЗИМ ШАҲЛОГА
ТУШДИ»
қўшиғи**

Қаердан кўз, кўзи шаҳлога тушди?

Бу ишқим шўху бепарвога тушди.

Демай, бир мен кўриб, овора бўлдим,

Кўриб, оху йўли саҳрога тушди.



MUASSIS:
O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

ISSN 2030-5002

**2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.**

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doeverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manfaat sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'linilar:
Kasaba uyushmalari hay'oti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-62-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'onaviy viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Gulnurbegim ODASHBOYEVA

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Boshiga topshirish vaqti – 18:00
Topshirildi – 18:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va
shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta
«Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

**Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifati chop etilishiga
bosmaxona mas'ul.**
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmiy tashtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 079 ta
Shundan: 6 073 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
18 125 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
7 881 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
**Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taбоq. Buyurtma G-1211
1 2 3 4 5 6